

# Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

*Қишлоқ ҳаёти*

Ўзбекистон Республикаси ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

[www.qishloqhayoti.uz](http://www.qishloqhayoti.uz)

2013-YIL 7-NOYABR, PAYSHANBA, 134 (8215)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan  
Bahosi kelishilgan narxda.



*Куз бунча чиройли,  
куз бунча дилбар,  
Сарғиш сочларига  
қўнибди шабнам.  
Дарахтга сўяниб  
бир шоирдайин,  
Унутиб қўйибди  
кузлигини ҳам.*

Муслим МУСАЛЛАМ

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.



«ОБУНА — 2014»

## ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жабҳаларда кенг кўламда олиб борилаётган ислохотлардан, халқимизнинг бой маънавий мероси, анъаналари ва кадрятларини тарғиб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлардан изчил хабардор бўлиб боришни хоҳлайсизми?

Аграр соҳадаги қимматли тажрибалар, фидойи инсонларнинг ажойиб меҳнат муваффақиятлари, фан-техника, спорт ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ҳақида билишни истайсизми?

Сизни хориж деҳқончилигидаги ўзгаришлар қизиқтирадими?

**2014 йил учун “Qishloq hayoti” газетасига обуна бўлсангиз, юқорида таъкидланган мавзулар билан доимий равишда танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.**

Обуна газета таҳририяти, обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул, пластик карточка орқали тўлов ҳамда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда.

**НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ: 144**

# ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МДҲ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНING МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида мустақил, изчил ва ташаббускор ташқи сиёсат юртиб келаётган суверен давлатдир. Ўзбекистон олтимишдан ортиқ нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шу жумладан, МДҲ аъзосидир. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини 144 мамлакат тан олган, 131 давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Дунёнинг 46 давлатида мамлакатимизнинг дипломатик ваколатхоналари (элчихоналар, консулликлар), Тошкентда эса олтимишдан ортиқ элчихона ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.**

**■ Акмал САИДОВ,**  
Ўзбекистон  
Республикаси Олий  
Мажлиси Қонунчилик  
палатаси депутати.

Айни пайтда бутун дунёда ушбу барқарор тараққиёт, тинчликпарвар халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати, мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликка раҳна солиши мумкин бўлган хавф ҳамда таҳдидлар кучаймоқда. Жаҳоннинг турли минтақалари, шу жумладан, Ўзбекистон атрофида зиддиятлар кучаймоқда, қуролли тўқнашув ва низолар кескин тус олмақда. Президентимиз Ислам Каримов МДҲ давлат раҳбарларининг Минскда бўлиб ўтган саммитидаги нутқида “бугун дунёда юз бераётган мураккаб жараёнлар, кучларни глобал ва минтақавий жойлаштириш борасидаги мураккаб ўзгаришлар, жаҳон иқтисодиётида инқироздан кейин кечаётган оғир давр, Ҳамдўстликка яқин ва узоқ давлатлардаги вазият ва зиддиятларнинг кескин тус олаётгани”ни алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида уч долзарб масалани кўтарди. Биринчиси – МДҲнинг бу борадаги роли ва ўрнини белгилаш, истиқболли ва келажагини қандай тасаввур этишимиздан иборат. Зеро, МДҲ – Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий ва сиёсий манфаатлари маконидир. Бу эса кўпгина омиллар билан боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганидек, Ҳамдўстлик унга аъзо ҳар бир давлат учун муҳим ўрин тутмоқда. Ҳамдўстлик унга аъзо давлатларнинг изчил ривожланиши, барқарорлиги ва хавфсизлигига раҳна солиши мумкин бўлган таҳдид ва хатарларга ўз вақтида, муносиб жавоб қайтариш, баҳс ва низоларни ҳал этишга қаратилган, пировард натижада собиқ иттифоқ ҳудудида фуқароларнинг ўзаро мулоқот қилиши учун мақбул ёндашув ва мувофиқлаштирилган ама-

лий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда.

“Бугунги кунда тобора авж олаётган радикализм, терроризм ва жангари экстремизм мафқураси нафақат бир мамлакат ёки муайян минтақа доирасида кенг тарқалаётгани, балки ушбу жараён миллий чегара билмаслиги ҳақида гапиришнинг ҳождати йўқ, – деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. – Айнан шу сабабли МДҲга аъзо давлатлар ҳудудида ҳар қандай кўриниш ва шаклдаги терроризм ва экстремизмга йўл қўймаслик муҳитини шакллантириш, ушбу хавфли таҳдидларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига кўмаклашадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарур”.

Турли кўринишдаги экстремизм дунёнинг кўплаб минтақаларида барқарорликка жиддий хавф солмоқда. Диний экстремизми тарғиб қилиш бундай ташкилотлар сафига террорчиларни жалб қилиш учун мафқуравий восита вазифасини ўтамоқда. Шу боис экстремистик ташкилотлар фаолияти, биринчи навбатда, ўсиб келаётган ёш авлодга қаратилгани ҳам бежиз эмас.

Сўнгги йилларда дунёда наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб, уларни истеъмол қилиш миқдори кенгайиб бормоқда. Наркомафия катта иқтисодий салохиятга эга глобал кучга айланмоқда ва унинг молиявий имкониятлари дунёнинг кўплаб давлатлари бюджетидан анча юқоридир. Халқаро наркомафия беқарор ҳудудлар, янги тўқнашув ва низоларнинг пайдо бўлиши, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий кескинликнинг узоқ давом этишидан манфаатдордир. Ҳар бир беқарор, нотинч мамлакат эса наркобизнес ва наркотрафик учун “ишончли бозор” ҳисобланади.

Терроризмга қарши курашда халқаро ҳамжамият доирасида ҳар томонлама ҳамкор-

ликнинг глобал тизимини яратиш орқалигина амалий натижаларга эришиш мумкин. Президентимиз таъкидлайдики, бир ҳақиқат барчага аён бўлиши керак: ҳеч бир одам, ҳеч бир мамлакат бутун инсониятга хавф солаётган терроризм, радикализм ва экстремизмни таг-томири билан йўқотиш йўлидаги курашда четда турмаслиги зарур.

МДҲнинг Минск саммитида жиноятчилик ва терроризм, наркотик воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши ҳамкорликда курашиш бўйича чора-тадбирлар дастури, шунингдек, Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик концепциясининг қабул қилиниши, шубҳасиз, Ҳамдўстликка аъзо барча давлатларнинг узоқ муддатли хавфсизлик манфаатларига мос келади.

Иккинчи масала – бу 2014 йилнинг охирига қадар Афғонистондан АЙСАФ тинчликпарвар кучларининг чиқарилиши, шак-шубҳасиз, Афғонистон билан чегарадош давлатлар ва унга яқин ҳудудлар учун жиддий асирини бўлади.

Бугун дунёдаги аксарият мамлакатлар ва халқаро экспертлар ҳамжамияти афғон муаммосини ҳал этишнинг ягона йўли – бу, жафокаш Афғонистон давлати муаммосининг сиёсий тинч ечимини топиш, ўзаро курашаётган турли томонлар ўртасида БМТ шафелигида музокаралар ўтказиш ва мurosага келиш зарур, деган хулосага келмоқда.

Ўзбекистон географик, геосиёсий ва геоиқтисодий омилларга кўра Афғонистон билан қўшни давлатлар орасида муҳим ўрин туттади. Шу боис Ўзбекистоннинг Ташқи сиёсий фаолият концепциясида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга кўмаклашиш, минтақадаги тинчлик ва барқарорликни таъминлаш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз Афғонис-

тондаги зиддиятни ҳал этишга қаратилган сиёсий ва иқтисодий ечимларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этмоқда.

Мамлакатимиз Президенти ҳали 1993 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош ассамблеясининг юксак минбаридан туриб, Афғонистондаги мавжуд вазият ўзаро курашаётган гуруҳлар ўртасида мулоқот ўрнатиш учун мувофиқлаштирилган халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишни талаб қилаётганини таъкидлаган эди. 1997 йилда Ўзбекистоннинг ташаббуси билан БМТ шафелигида “6+2” (Покистон, Эрон, Хитой, Туркменистон, Тожикистон, Ўзбекистон ҳамда кафил мамлакатлар – АҚШ ва Россия) мулоқот гуруҳи ташкил этилди. Ушбу гуруҳ фаолияти самарасида 1999 йил 21 июлда ўзаро курашаётган томонлар иштирокида Афғонистондаги зиддиятни бартараф этишнинг асосий принциплари тўғрисидаги Тошкент декларацияси имзоланди.

Ушбу ташаббуснинг давоми сифатида 2008 йилда Ўзбекистон Президенти томонидан “6+3” мулоқот гуруҳини ташкил этиш тақлифи илгари сурилди. Мазкур босқичда мавжуд воқелик эътиборга олиниб, ушбу гуруҳ таркибига қўшимча равишда НАТОни ҳам қиритиш, мулоқот гуруҳи фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш вазифасини БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили зиммасига юклаш тақлиф этилди. Ушбу гуруҳнинг мақсади Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича муаммони ҳал этишнинг тинч ва мақбул йўлини топиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштиришдан иборат эди.

Ўзбекистонда Афғонистонни тиклаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиш, хусусан, йўл қурилиши ва йўлларни таъмирлаш, электр энергетика тизими, темир йўл қурилиши, тоғ-кон саноати, таълим, мутахассислар билан алмашиш соҳасида катта тажриба тўпланган. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги ўзаро савдо анча кенгайди.

Мамлакатимизнинг ёрдами билан Афғонистонда кўприklar, юқори вольтли электр линиялари, оптик-толали кабель линиялари, сув таъминоти тармоғи барпо этилди. Айниқса, узунлиги 75 километрдан иборат дастлабки Ҳайратон-Мозори Шариф темир йўлининг қурилиши алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Афғонистон билан қўшни давлат сифатида унинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистон билан ҳамкорликни икки томонлама асосда ташкил этиш, Афғонистон халқи сайлайдиган ҳукуматга ёрдам бериш ва уни қўллаб-қувватлаш сиёсатига қатъий амал қилади, деб таъкидлади Ислам Каримов.

Яна бир муҳим масала – бу МДҲ маконида мамлакатларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаратилган тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантиришдир. Ўзбекистон 2013 йил 31 май куни МДҲ доирасида Эркин савдо зонасини ташкил этиш шартномасига қўшилди. Ўзбекистоннинг МДҲ эркин савдо зонасига қўшилиши айни пайтда иқтисодий сиёсатнинг мақбул вариантидир. Бизнесни юритиш учун нафақат қулай ишбилармонлик муҳити, балки товарларни сотиш имконияти мавжуд бўлиши ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон барча давлатлар, биринчи навбатда, МДҲ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтирмоқда ва чуқурлаштирмоқда. Масалан, 2012 йилда мамлакатимизнинг жами экспорти 13,1 миллиард долларни ташкил қилган бўлса, шунинг 70 фоиздан ортиғи ноҳомашё тайёр маҳсулотлар улушига тўғри келди.

Ислам Каримов Ҳамдўстлик эркин савдо зонаси самардорлигини ошириш учун товар оқимлари тузилмасини диверсификация қилиш, ўзаро етказиб берилаётган товарлар турларини кенгайтириш ва энг муҳими, мувофиқлаштирилган ва самарали транспорт-коммуникация ҳамда тариф сиёсатини амалга оширишни тақлиф қилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, халқимизнинг қонқонига сингиб кетган “Бизга тинчлик ва хотиржамлик керак” тамойилини амалга ошириш барчамиз учун долзарб вазифадир. Давлатимиз раҳбарининг МДҲ Минск саммитидаги нутқида ушбу ҳаётбахш ғоя ўз ифодасини топган. Зеро, тинчлик ва осойишталик, ҳақиқатан ҳам, бебаҳо неъматдир, иқтисодиётимизни янада тараққий эттириш, халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфасини ўзгартириш ҳамда ободонлаштириш кафолатидир.

(ЎЗА)



Бухоро Вилояти

## СОҒЛОМ БЎЛСИН БОЛАЖОНЛАР

Бухоро вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида меҳнат қилаётган етмишга яқин малакали шифокор ташхис қўйиш ва даволаш ишларини сифатли бажариш билан бирга туманлардаги бирламчи шифо масканлари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзи бўйича тарғибот-тушунтириш тадбирларини ҳам изчиллик билан амалга оширмоқда.

200 ўринга мўлжалланган тиббий марказда жами йигирмата даволаш ва ёрдамчи бўлим ҳамда маслаҳат поликлиникаси ишлаб турибди. Бу ерда Бухоро тиббиёт институти талабалари, тиббиёт коллежлари ўқувчилари амалиёт ўташи учун кенг шароитлар яратилган.

**СУРАТДА:** Бухоро вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази шифокори Диловар Саидова иш фаолиятида.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

# КИЧИК БИЗНЕС ОИЛА УЧУН КАТТА ДАРОМАД

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди бошқаруви томонидан маҳаллаларда оилавий бизнес, хусусан, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, соҳа вакиллари яратилган имконият ва имтиёзлар ҳамда эришилаётган натижаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.**

Унда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди бошқаруви мутасаддилари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Давлат солиқ қўмитаси, Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари, тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ҳамда касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантиришга қаратилган эътибор кўплаб янги иш ўринлари ташкил этиш аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилаётган. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилингани бу жараёнда муҳим қадам бўлди. Умуман олганда, бугун маҳаллалар оилавий бизнес марказига айланиб бораётган.

Бунда жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Хусусан, айти пайтгача оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида республикамиз бўйича 5200 дан ортиқ фуқаролар йиғинларида “Маслаҳат марказлари” ташкил этилди. Уларда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий

муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда ёшларни тегишли ҳудуддаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга жойлаштириш, уларни хунармандларга бириктириш, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда кредит олишлари учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам беришмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти маҳаллаларда кенг тарғибот ва ташвиқот қилиниши самараси ўлароқ, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди тузилмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмаги билан 20 мингдан ортиқ оилавий тадбиркорлик фаолияти ташкил этилди.

— Ажратилган икки миллион сўм маблағ эвазига касаначиликни йўлга қўйдик, — дейди тадбиркор Шарифа Юнусова. — Даставвал, болалар кийимларини ишлаб чиқарган бўлсак, ҳозирда аёллар кийимларига ҳам буюртма оляпмиз. Энг муҳими, тикувчилик цехида маҳалламиздаги 15 нафар аёл иш билан таъминланди.

Фонд томонидан “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида қишлоқ жойларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали маҳаллалар ҳудудида



Андижон шаҳридаги Чорбоғ маҳалласида истиқомат қилаётган Умида Сатторова йигирма йилдан буён дўппидўзлик билан шуғулланади. Оила аъзолари унга кўмакдош.

СУРАТДА: дўппидўз Умида Сатторова келини Шаҳрибону Сатторова билан.

Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎЗА) олган сурат.

жами 41 мингдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси очилди. Бу билан 112 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди.

— Маҳаллаларни оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик марказига айлантиришда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси А.Аҳмедов. — Ҳозирда етти мингдан зиёд маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги оилаларда ушбу йўналишда фаолият йўлга қўйилган. Бир-

гина Наманган вилоятининг ўзида 332 та саргарошлик, 232 та новвойчилик, 145 та ко-сибчилик, 59 та пойабзал ва 35 та маиший техника ускуналарини тузатиш устахонаси, 33 та тикувчилик цехи фойдаланишга топширилгани бу борадаги ишларимиз кўлами тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Шунингдек, тадбирда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди тузилмалари ва фуқаролар йиғинлари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларининг 262 минг нафари ишга жойлаштирилгани, ўз хусусий

бизнесларини ташкил этиш истагида бўлган фуқароларга 1 миллиард сўмдан зиёд банк кредитларини олишига амалий ёрдам берилгани таъкидланди.

Хулоса қилиб айтганда, тадбирда маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Истиқболдаги режалар хусусида сўз юритилди.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА, “Qishloq hayoti” мухбири.

## Тошкент Вилояти

### ТАЪМИНОТДА ТАҚЧИЛЛИК БЎЛМАЙДИ

**Жамоамиз зиммасига Тошкент вилоятидаги иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектилари ҳамда аҳоли хонадонларини электр энергияси билан таъминлашдек масъулиятли вазифа юкланган. Айти пайтда шаҳар ва туманлардаги корхоналарда 2,5 минг нафарга яқин киши ушбу долзарб юмушни сидқидилдан адо этиб келмоқда.**

Куз-қиш мавсумида электр энергиясига бўлган талаб ошади. Бу эса биздан ишга алоҳида диққат ва эътибор билан ёндашишни тақозо этади. Шу боис, мавсумга пухта ҳозирлик кўрилди. Бу жараёнда Президентимизнинг 2013 йил 5 июлдаги “Республика иқтисодиёт тармоқларини 2013-2014 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш тўғрисида”ги Қарори муҳим дастуриламал бўлди.

Жумладан, мукамал таъмирлаш бўйича режадаги 1778,8 километр ўрнига амалда 2064,4 километр ҳаво электр тармоқлари тўлиқ соzлаб чиқилди. Белгиланган 571 дона ТПлар таъмири амалда 583 донага етказилиб, бу борадаги режа ҳам 102 фоизга урдаланди. Хусусан, Ўрта Чирчиқ туманидаги “Қорасув” ҚФЙ ҳудудидаги 585-сонли, Аргин маҳалласидаги 51-сонли, Паркент туманидаги “Мозорхожи” ҚФЙ ҳудудидаги 232-ҳамда “Ҳисорак” ҚФЙ ҳудудидаги 326-сонли ТПлардан чиқувчи 0,4 кВ ҳаво тармоқлари мукамал таъмирланди. Бундай ишлар вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам дастур доирасида амалга оширилиб, аҳолини электр энергияси билан таъминлаш сифати янада яхшиланди. Айти пайтда соҳада олиб борилаётган модернизация самараси ўлароқ, жойларда электр тармоқларини замонавий СИП — ўзи кўтарувчан изоляцияланган симларга алмаштириш бўйича из-



чил тадбирлар амалга оширилмоқда. Бизнинг вилоятда ҳам ҳозирга қадар бу борада бир қатор ишларни бажаришга эришилди. Хусусан, Оққўрғон тумани “Мустақиллик” ҚФЙ ҳудудидаги 57-сонли ҳамда Чиноз туманидаги “Ўзбекистон” ҚФЙ ҳудудидаги 75-сонли ТПлардан чиқувчи 0,4 кВ ҳаво тармоқлари ана шундай изоляцияланган янги турдаги ўтказгичларга алмаштирилди.

Ўрни келганда шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, жамоамиз томонидан хизмат кўрсатилаётган 590 минг 406 та хонадон эгалари билан ишлаш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган чоратадбирлар туфайли жорий йилнинг тўққиз ойлик яқунлари бўйича истеъмолчилар томонидан фойдаланилган электр энергияси учун тўловлар тўлиқ адо этилиб, бу борадаги кўрсаткичлар 140 фоизга бажарилгани вилоятимизни электр энергияси тўловлари бўйича намунали ўринларга чиқиб олганлигини англатади. Қиш мавсумини муваффақиятли ўтказиб, истеъмолчиларга сифатли энергия етказиб бериш мақсадида куч-ғайрат ва имкониятларимизни ишга солмоқдамиз.

Абдугани ВАКИЛОВ,  
“Тошкент электр тармоқлари” ОАЖ  
раиси ўринбосари.

## Навоий Вилояти

Юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, тадбиркорларга қаратилган эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқда. Имкониятлардан унумли фойдаланган навоийлик Гулшан Бобоқулованинг фаолияти ҳам бунга ёрқин мисол бўлади. У Навоий шаҳрида “Рухшона-Нозима-Моҳина” масъулиятли чекланган жамияти ташкил этиб, корхонада катталар ва болалар учун турли кийим-кечаклар ишлаб чиқармоқда. Айти пайтда 15 киши меҳнат қилаётган корхона маҳсулотларига вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан буюртмалар келиб тушмоқда.

### ҲУНАРЛИНИНГ ИШИ УНАР

— Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ тикувчилик ва тўқувчилик тўғрақларига қатнашардим, — дейди корхона раҳбари Гулшан Бобоқулова. — Кейинчалик тадбиркорликка қизиқдим, кичик корхона очдим. Ҳозирги кунда 300 нафардан зиёд шогирдим бор. Ишчиларимизнинг асосий қисми коллежни тамомлаган қизлар.

Яқиндан бошлаб корхонамизда 7 хил йўналишдаги миллий хунармандчилик, жумладан, қуроқчилик, каштачилик, ёш қизлар учун қўл меҳнати билан тўқиладиган этик, пайпоқ, сумка, макраме буюмлари ва бошқа хунармандчилик маҳсулотлари ҳам тайёрлашни йўлга қўйдик.

Айтиш жоизки, корхонанинг илғор чеварлари “Устоз-шогирд” анъанасига амал қилган ҳолда вилоятнинг турли қишлоқ ва шаҳарларидан келаётган ёшларга ҳам бичиш-тиқиш, патдўзлик, тўқувчилик сирларини астойдил ўргатиб келишмоқда. Устози Моҳинахон билан ёнма-ён ўтириб, хунар ўрганаётган шундай қизлардан Феруза Саидовани суҳбатга чорладик.

— Бу цехга келганимга бир ой бўлди, — дейди у. — Шу вақт ичида анча нарсаларни ўргандим. Жемпер, пайпоқ, сумка тўқишни ўзлаштирдим. Келгусида бу хунарни бошқаларга ҳам ўргатмоқчиман.

Гулшан Бобоқулова оилада оқила бека, корхонада ишчан раҳбар, ёшларга меҳрибон устоз, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг фаол аёлларидан.

Раъно РАББИМОВА

# Оқибатини ўйлаган қадамни билиб босади

Қирқ беш ёшли Шухрат Тожибоев — тошкентлик. Муқаддам судланиб, жиноий жавобгарликка тортилишга, тегишли жойларда “ўтириб келиш”га улгурган...

Ўшанда у ўн йил озодликдан маҳрум этилган эди. Аммо унинг ўзи атиги уч йилдан сўнг озодликка чиқишни ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Чунки Жиноят кодексининг узоқ муддат қамоқ жазосини кўзда тутувчи бир неча моддалари билан, яъни Конституцион тузумга тажовуз этиш, валюта қийматларини ноқонуний тарзда харид қилиш ва сотиш сингари жиноятларда айбланганди.



юртнинг осойишталигини бузмаслик, дегани эмасми!

## БЎШ ҚОП ТИК ТУРМАЙДИ

Ушбу иборанинг кўчма маъноси шуки, ҳар қандай ишнинг моддий манфаатдорлиги бўлади. Худди шунингдек, жиноий гуруҳ ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш ҳам анчагина маблағ талаб этиши турган гап. Таъкидлаб ўтганимиздек, жиноятчиларнинг маблағ бобида муаммоси бўлмаган. Ҳўш, гуруҳ қандай молиявий манбалардан озиқланган экан.

Пуллар О.Назаровнинг топшириғига кўра, Швециядан ҳар ойда жўнатиб турилган. Судланувчиларнинг иқдорларига кўра, улар ойига икки минг доллардан, йигирма минг долларгача маош олишарди. Пуллар қачон, қаерда ким орқали етказиб берилишини Ш.Тожибоев ва Д.Туропов интернетдаги ижтимоий тармоқ орқали келишиб олишарди ва Д.Туропов мунтазам алоқа боғлаб, О.Назаровнинг янги топшириқларини етказиб турар эди.

Ҳайрон бўлгандирсиз: бу ўша, Тожибоевни Қозоғистонга олиб келган Туропов эмасми деб? Ҳа, албатта. Ҳўш, унда у нега Шухрат билан фақат ижтимоий тармоқ орқали гаплашяпти, ўзи қаерда?

Гап шундаки, маслақдошларини кўши давлат худудида кутиб олган Ҳасан исмли йигит тезда кўлга олинганди. Шундан сўнг Д.Туропов О.Назаровнинг ортидан Швецияга қочади. Мана марҳамату илтифот! Одамгарчилик ва садоқат ҳақида бонг урган бу кимсалар ўзлари хатарсиз жойда биқиниб, биродарларини охири вой ишларга жалб этишди. Уларни хавф остида қолдиришдан тап тортмадилар. Бу ислом ақидалари, садоқат туйғулари нари турсин, одамгарчиликнинг энг оддий қоидаларига ҳам тўғри келмайди-ку.

Шунинг ўзи ҳам ўзларини “шариат раҳнамолари” деб кўрсатмоқчи бўлаётган О.Назаров ва гумашталарининг асл башарасини яққол намён қилиб турибди. Ҳўш, қайси ҳақиқий мусулмон кўра-била туриб ўз биродарларининг ҳаётини гаровга қўяди.

Дарвоқе, ўзларининг нопок ишларига “диний либос” кийдиришга уринаётган бу кимсалар диндорлардан бадал тариқасида йиғилдиган молиявий маблағларга ҳам “байтулмол” деган исломий ном қўйиб олишган. Холбуки, бу сўз кўп асрлардан буён эзгу ва хайрли ишлар учун мўлжалланган жамғарма маъносини англатиб келади. Йиғилган пуллар одамлар ўртасида ваҳима кўтариш, уларнинг тинчлиги ва осойишталигини бузишга сарфланаётган бўлса, қанақа хайрли иш ҳақида гапириш мумкин?

Таассуфки, улар диний билимга эга бўлмаган йигит-қизлар онгини захарлаш борасидаги ҳатти-ҳаракатларини “саваб” (хайрли омил), деган юксак маъноли ибора билан тушун-

тиришга уринадилар. Шу тариқа уларнинг ҳаётлари издан чиқишга сабаб бўладилар. Агар чиндан ҳам бу иш “саваб” бўлса, нега ўша раҳнамоларнинг ўзлари хорижий мамлакатларда яшириниб юришибди? Уларга нариги дунёда жаннатга тушиш учун, бу дунёда саваб йиғиш шарт эмасми? Улар ўзларини шу даражада пок ва бунга эҳтиёж йўқ, деб ҳисоблашадими?

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Дастлабки тергов давомида аниқланишича, кейинги уч йил мобайнида жиноий гуруҳ “байтулмол”дан юз минг АҚШ доллари миқдоридан маблағ олган. Ҳўш, бу маблағлар нимага сарф қилинган? Жавоб оддий ва жиддий. Оддийлиги шундаки, бу пулларга биттадан “Нексия”, “Матиз” автомашиналари, бир неча компьютер техникаси тўпламлари харид қилинган. Ана шу воситалар ёрдамида “раҳнамолар” томонидан электрон шаклда юборилган, экстремистик мазмундаги материаллар, адабиётлар, CD ва DVD дисклари шаклида кўпайтирилган ва тарқатилган.

Жиддийлиги ва оғрикли жиҳати шундаки, танадаги жароҳатни тегишли муолажалар билан даволаш мумкин, аммо онг яраланган бўлса-чи?..

Тарқатилган китобларнинг мазмун-моҳиятини номларининг ўз ҳам айтиб турибди. “Диннинг уч асоси”, “Ал-Имом Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб”, “Тинглашди ва итоат этишди”, “Ибодат қилиш учун бирашув”, “Обид қори — Би-Би-Си меҳмони”. Ва бу улардан айримлари, холос.

Гуруҳ “ғазначиси” А.Хорунновнинг уйини тинтув қилиш чоғида яна тахминан тўқсон минг АҚШ доллари ва йигирма миллион сўм пул, шунингдек, турли оргтехника воситалари топилди ва ашёвий далил сифатида олинди. Маълум бўлишича, гуруҳ аъзоларини моддий таъминлаш, пул маблағларидан ташқари тилла тақинчоқлар шаклида ҳам амалга оширилган.

## ОҚИБАТЛАР

Шубҳасиз, судланувчилар қонуний жазога тортилдилар. Олинган пул маблағлари, олтин буюмлар, алоқа воситалари ва автомашиналар белгиланган тартибда мусодара этилди.

Ушбу мақолада биз қилинган жиноятларни муфассал тасвирлаб ўтирмадик. Газетхонларга мазкур жиноят ҳақида етарлича тасаввур берувчи фактларни келтириш билан чекландик, холос. Ўйлаймизки, муҳими жиноят тафсилотларини баён қилиш эмас, унинг оқибатлари ҳақида фикр юритишдир. Зеро, оқибат ҳақида ўйлайдиган киши ҳар бир қадамни билиб босади ва шундагина бу бетин дунёда ўзини тинч ва осойишта ҳис этади.

**Абдулла АЛИМОВ**  
(uz24.uz сайтидан олинди)

келармиш.

Ўша “муҳтарам зот”... Обид Собитович Назаров экан! “Обид қори” номи билан маълум бўлган (“қори” сўзининг таржимаси “Қуръон ўқувчи”, деган маънони англатади ва кўпинча бу сўзни Қуръонни ёддан билувчи кишиларга нисбатан айтишади) бу шахс, бир пайтлар Ўзбекистондаги “Жиходчилик” диний-экстремистик оқими етакчиларидан бири бўлган. Қатор йиллар давомида одил суд ҳукмидан қочиб, Чимкент вилоятида яшириниб юрган. (Олдиндан айтиб қўяйлик, О.Назаров 2005 йилгача кўшни республика худудида юрган. Теварагидагилар бирин-кетин қўлга тушган, у ердан ҳам қўлга кетган).

Сухбат узоқ давом этди. Обид қори Ўзбекистондаги вазият билан қизиқди. Қамоқ — синов, ҳаёт имтиҳони эканлигини таъкидлаб, Шухратга далда берди. Бундан буёғига бу ҳолат такрорланмасин, дея астойдил дуо қилиб, тилак билдирди. Ниҳоят, асосий мақсадга кўчди: “Эркак киши босган изидан қайтмайди. Олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Уни босиб ўтиш учун сизга ўхшаган, кўпни кўрган, ҳаётда чиниққан биродарлар кўплаб керак бўлади. Биз сизга оқимимизга қизиқиб билдирувчи кишиларни топши ва бирлаштиришдек масъулиятли вазифани юклаймиз. Моддий рағбатлантириш борасида ғам еманг, бунинг ўзи зиммамизга оламиз”.

Чиндан ҳам пул борасида ҳеч қандай муаммо туғилмади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Чунки Шухрат Тожибоев сингари иродасиз кишилар, ҳар қандай топшириқни сўзсиз адо этадиган “тирик роботлар” четдаги “дирижёрлар” учун айна мударра эди. Айланма йўллар орқали юртга қайтган Ш.Тожибоев энг шимариб ишга киришди. Қисқа муддат мобайнида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятларида яшовчи жиҳодчилик ҳаракати тарафдорларига айланган кишилардан иборат жиноий гуруҳ тузди.

## ЖИНОЯТЧИ ГУРУХ

Гуруҳ аъзолари деярли тенгқур эдилар. “Ғазначи” Абдурашид Хоруннов ўттиз саккизга, Аҳмад ва Бобур Каримовлар ўттиз бешқирққа киришганди. Хушмурод Ҳакимов ҳам қирқни қоралаган бўлса, Абдувоҳид Абдурахмонов эндигина ўттиздан ошганди. Ҳар қайсисининг икки-уч нафардан вояга етмаган болалари бор эди. 30-40 ёш инсон ҳаётидаги энг масъулиятли палла ҳисобланади. Одатда, бу

пайтда у болаларининг келажакини таъминлаш, ўзининг гаштли кексалиги учун мустаҳкам асос яратишга ҳаракат қилади.

Ҳўш, бу кимсалар ўз куч ва имкониятларини нималарга сарфладилар? Бу савол атрофида узоқ мулоҳаза юритиш мумкин. Бироқ фойдаси йўқ. Чунки бундай гуруҳлар аъзоларига таъсир қилмайди. Уларнинг онги кўп йиллик тажрибага эга “мутахассислар” томонидан тайёрланган, диний экстремизм ва айирмачилик ғояларига асосланган адабиётлар билан кучли заҳарланиб бўлганди. Худди мана шу ўринда юқорида тилга олинган “мулла” сўзининг маъноси ҳақида яна бир ўйлаш жоиз. Худди қана шу ниқоб остида ҳаракат қилаётган, ўзларини диний мураббийлар қилиб кўрсатаётган жиноий гуруҳлар раҳбарлари юқорида номи зикр этилганларга ўхшаш кишиларнинг ишонувчанлигидан, диний эътиқоднинг асл моҳияти ҳақида етарлича тасаввурга эга эмаслигидан фойдаланмоқдалар. Улар гўёки динни поклашни исташади. Лекин амалда тескарисини қиладилар. Инсонпарварлик, тинчлик ва адолат ғояларини ўз ичига олган исломнинг мақсад ва моҳиятини нотўғри талқин этадилар, муқаддас Қуръон сураларини нотўғри талқин қилиб ўзларининг ғаразли, жиноий мақсадлари йўлида фойдаланадилар.

Диний саводхонлиги етарлича бўлмаган кишилар уларнинг “қармоғи”га тез илинишади. Улар давлат идоралари ходимлари оёғига пулур етказувчи ахборотларни тарқатишга ўз ҳиссаларини кўшишни, шунингдек, замонавий жамиятнинг гўёки шариат (дин ақидалари)га зид қонунларига бўйсунмаслигини тарғиб этишни ўзларига катта шараф, деб ҳисоблайдилар.

Бундай шахсларнинг бора-бора тафаккури четдан туриб бошқариладиган “манкурт”ларга айланиб қолишларини исботлаб ўтириш шартмикан? Ш.Тожибоевнинг ўзи шунга ёрқин мисол эмасми? Ҳўш “мулла” Шухратбек, сизнингча бугунги жамият ҳаёти қоида ва меъёрларини белгилувчи қонунлар шариатга зид бўлса, бир эслаб кўринг-чи, ўзингиз қанақа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида муҳлатидан олдин озодликка чиқдингиз? Баъзи “етакчи”ларнинг айтиётганидек, агар давлатимиз раҳбарлари тутаётган йўл нотўғри бўлса, сиз қилаётган жиноятларни авф этиш мумкинми? Ахир раҳм-шафқат, меҳмуруват ва бағрикенглик ифодали қилиб айтганда, муқаддас динимизнинг қон томирлари, илдизлари-ку. Мусулмончилик дегани ўз боғига четдан туриб тош отмаслик, тинчликсевар

Давлатимиз раҳбарининг инсонпарварликка асосланган сиёсати амалий ифодаси бўлган аминистия Ш.Тожибоевга эркин ҳаёт эшикларини яна очди. Бу унга маънавий жиҳатдан покланиш учун бебаҳо имконият эди. Аммо... қаҳрамонимиз, юмшоқ қилиб айтганда, бу имкониятга тупурди.

Тўғри, озодликка чиққандан сўнг, икки-уч йил тинч-осойишта яшади. Бироқ ўша кунларнинг бирида, унга шундай мазмунда нома келди: “Биз сизни сабрсизлик билан кутяпмиз, мулла Шухратбек!” Номани унинг собиқ маслақдоши Дилмурод Туропов олиб келганди.

Номадаги “мулла”, деган сўзга эътибор берайлик. Бу сўз диний билимга эга саводли кишиларга ҳурмат, иззат-иқром маъносидан қўлланилади. Ш.Тожибоев бундай унвонга нечоғлик даражада муносиблиги мавзусига эса кейинроқ қайтамыз.

Тожибоев тузалиш йўлига киргани учун кечирилганди. Бироқ бу одам ўз қарашларини тезлик билан ўзгартириши мумкин, дегани эмас. Адашган кимса жамиятда ўрнини топиб олиши учун нафақат унинг ўзида мустақил ирода бўлиши, балки қариндошлари, кўни-қўшнилари, маҳалла фаоллари, ички ишлар ва давлат ҳокимияти идоралари ходимлари ҳам бу масалага масъулият билан ёндашишлари талаб этилади. Шухратнинг мисолида, санаб ўтилган ижтимоий мослаштирув бўғинларидан қайси биридир ушбу масала билан етарли даражада шуғулланмаганлиги яққол аён бўлади. Акс ҳолда, у бу қадар тез собиқ маслақдошлари таъсирига яна тушиб қолмаган бўлар эди.

Ш.Тожибоев дастлаб Д.Туроповнинг гапларини истаристамас тинглади. Бироқ аста-секин унинг маслаҳатларига амал қила бошлаганини, ўзи ҳам сезмай қолди.

— Қаерга боришимиз керак?  
— Унчалик узоққа эмас, — деди Д.Туропов ишининг бу қадар енгил кўчганидан севиниб, — Зангиота туманидан ўтсак бас, Қозоғистон худудида бўламиз. Нарёги Чимкентгача бир қадам. У ерда бизни ким кутиб турганини билсангиз эди?..

## УЧРАШУВ

Тожибоев ва Туропов давлат чегарасини ноқонуний бўлиб ўтишди. Қозоғистонда уларни Ҳасан исмли йигит қарши олди. Чимкентга етиб боришиб, бир хонадонга жойлашишди. Ҳасаннинг айтишича, кечқурун бу ерга жуда ҳурматли бир киши

# Гўжанинг хислати кўп, куввати бисёр

ХАЁТИЙ ЭХТИЁЖ ОҚЖЎХОРИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

**Катта йўл бўйида бир неча аёл гўжа, қатикли гуруч таом, угра ош ҳамда айрон сотишади. Ёзнинг иссиқ кунларида бу тур озиқ-овқатларнинг бозори чаққон, харидори бисёр бўлади. Ҳатто, баъзи кунларда сотувчилар хизмат кўрсатишда шошиб ҳам қолишади.**

Аёллар орасида ёши улуроги Тансиғой опанинг гўжаси бошқаларникидан бироз қимматроқ бўлишига қарамай, ҳар куни биринчи бўлиб тугайди. Сабаби, у гўжасини фақат оқжўхоридан тайёрлайди. Опанинг кўли ҳам, тили ҳам ширин. Оқжўхори гўжасининг фойдалилиги борасида билимдонлигига таъриф йўқ. Айниқса, бу хил гўжанинг тўйимлигидан ташқари шифобахшлиги ҳақида соатлаб гапириб ҳам таърифни тугата олмайди.

— Бошидан ўтган — табиб, деганларидай, оқжўхори гўжасининг қон босими, асаб, ошқозон-ичак, жигар хасталиклари даволигини кўп кузатганман, — дейди Тансиғой опа. — Кечагидай эсимда: болалигимда Кўқон яқинидаги кишогимизда кимки касал бўлиб қолса, отам унинг қандай хасталик билан оғриётганини сиртдан сўраб-суриштириб билиб олاردидан, ақсарият ҳолларда бир товоққина гўжа кўтариб, бемордан ҳол сўрашга кетарди ва ҳар гал «Оқжўхори гўжасидай фойдали даво йўқ бунга», деб қўярди. Бир куни қизиқувчанликданми ё бошқа сабабми, отамни сўроққа тутдим: «Ота, анов куни Ашур бобонинг қон босими ошибди, деганларида ачитилган гўжа кўтариб кетувдингиз, бу гал Ихтиёр аканинг бетоблигига жўхорибўтқа олиб боряпсиз. Нима, бизнинг гўжа ва бўтқаларимиз барча дардга давоми?»

Ўшанда отам мийиғида қулгачни кўл силтаб, беморни кўргани кетган, қайтиб келгач, мени ёнига чақириб шундай деганди:

— Оқжўхорининг гўжа ва бўтқасигина эмас, шапати нони, атала ва бошқа овқатлари ҳам соғлиқ учун кони фойда. Буни юз йиллаб бурундан ота-боболаримиз яхши билишган. Ҳатто Абу Али ибн Синодай буюк табиб ҳам қон босими хасталигида оқжўхоридан кенг фойдаланган. Энди Ихтиёрнинг хасталигига кел-

сак, у буйрагида туз ва кум кўпайганидан азият чекаётган экан. Оқжўхори эса буйракни яхши тозалайди. Ўт ҳайдаш хусусияти ҳам катта. Буйракка фойдалилигидан болалар сийғоқлиги касаллиги ҳам барҳам топади. Бунинг устига юракка кувват беради. Эътибор берсанг, оқжўхори дон бошлари юрак шаклида. Буюк табиб Жолиунис табиатнинг қай неъматини инсон вужудининг қайси аъзосига ўхшаса, у ўшанга даво, деган. Масалан, ловия буйракка, ёнғоқ мияга, нок юракка ўхшашлигидан ушбу аъзоларни мустаҳкамлайди.

Оқжўхоримиз шунақа кенг кўламли даво маҳсулоти бўлгани учун уруш ва қаҳатчилик йилларида кўпгина кишлоқлар аҳолисининг нони ҳам, оши ҳам, ҳатто, суви ҳам шу экин бўлган. Унинг поясида бир қаричгина синдириб, чайнагин-чи, ширасининг ўзидан кун бўйи тўқ юрасан. Ҳа, айтганча, халқда Гўжаполвон, деган ибора борлигини эшитгансан-а? Ҳозирги пайтда бу атамани кўпроқ еб, камроқ ишлайдиган дангаса кишиларга нисбатан ишлатишга ўтишган. Аслида гўжанинг кишига кувват бериши тан учун фойдалилигини билдирган.

Пенсияга чиқишидан бурун оддий тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишлаган Тансиғой опа бу каби хотираларни кўп гапирди. Оқжўхори ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларнинг шифобахшлиги боис, Жиззах вилоятининг чўл туманларидан бирида яшашига қарамай, олис Фарғонаю Кўқон томонларга бориб, оқжўхори топиб келтиради, ҳатто, Хоразмга ҳам бориб-келиб туради.

Опанинг оқжўхоридан тайёрлаб, сотадиган овқатлари ҳам хилма-хил. Офтоб оташи борлиқни қиздираётган жазирама кунларда кўза-кўза ачитилган гўжа чиқаради. «Биринчидан, чанқовни тез қондиради, иккинчидан, кишининг иссиққа бардошини оширади,

қолаверса, иштахани очади», дейди у. Опанинг айтишича, ошқозон, жигар ва ичак хасталикларида сутли гўжа ўта фойдали экан. Шунингдек, у гўжанинг қатикли, жазли турлари ва гўжабўтқалар ҳақида ҳам кўп нарса билади.

— Оқжўхори унчалик кўп меҳнат талаб этадиган экин ҳам эмас, — дейди тажрибали деҳқон, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалик ходими Тинчлик Бердибеков. — Экасиз-у, бутун ривожланиш даврида икки-уч марта суғориб, қатор ораларини бир неча марта юмшатадиз. Илдизлари кенгроқ ва теранроқ ўсиши учун пушта бағрига тупроқ тортасиз. Экинни озиқлантиришда маҳаллий ўғитлар қўлланилгани маъқул. Бунда айниқса, қўй қийи, парранда гўнги ва қорамолларнинг чиритилган гўнги ниҳоятда фойдали. Азотли ўғитлардан аммиак селитраси ва дондор фосфорли ўғитлар яхши таъсир кўрсатади. Шу тариқа ўсимлик ер остида ва тупроқ юзасида 1-1,5 метргача, ён атрофига эса 60-70 сантиметргача томир отади. Ён томирлар, ҳатто бир-бирларига чирмашиб кетади. Экиннинг бўйи 2-5 метргача боради. Бундай ривожланган экинзорнинг ҳар гектаридан 70-80 центнергача дон, маккажўхори поясида кам бўлмаган миқдорда — 450-600 центнергача силоспоя олиш мумкин. Экин «Олмоқнинг бермоғи бор», деган ақидага амал қилиб, ривожланиш даврида «истеъмол» этган маҳаллий ўғитларининг маълум қисмини маъданли ўғитлар тарзида тупроқни бойитади. Бу жиҳатдан бедага яқин туради.

Оқжўхори экини қадимги пайтларда асосан Африкада ўстирилиб, «Дани жу», яъни «Куйе урмас» деб аталган. Кейинчалик у Хиндистонга, сўнг Хитойга ва Хитой орқали Ўрта Осиёга келтирилган. Оқжўхорининг Кўқонжўхори, деб аталлини ҳар ким ҳар хил изоҳласа-да, менимча, бунинг сабаби, Кўқонда кўпроқ экилиши ва бу борада кўқонликларнинг катта тажрибага эгаллигидир. Экин Ўрта Осиёга келтирилган илк пайтида, аввало, Кўқонда экилган.

Ушбу экиннинг ватани Африка эканлигидан кўриниб ту-

**Оқжўхори дон бошлари юрак шаклида. Буюк табиб Жолиунис табиатнинг қай неъматини инсон вужудининг қайси аъзосига ўхшаса, у ўшанга даво, деган. Масалан, ловия буйракка, ёнғоқ мияга, нок юракка ўхшашлигидан ушбу аъзоларни мустаҳкамлайди.**



рибдики, у иссиқсевардир. Турли хил шароитларда, жумладан, шўр тупроқли, бўз тупроқли ва лалмикор ерларда ҳам яхши ўсади. Айниқса, бизнинг чўл шароитимизга жуда мос. Қурғоқчилик ва турли касалликларга анча чидамли. Тўғри, пояси ширадор (таркибида 12-16 фоизгача қанд бор) ва оқсилли бўлгани учун унга куя тушиши, намгарчилик кўп бўлса, шира ва трипс босиши мумкин. Бегона ўтлардан асосан, полиз пайкаларида бўладиган шумғиё (шум гиёҳ) хавф солиб, экиннинг айнан илдизлари тубидан ўсиб чиқади ва озиқасига шерик бўлади. Лекин бу зараркундаларга қарши кураш ўз вақтида ташкил этилса, экинга ҳеч нарса хавф солмайди.

Оқжўхори нафақат инсон учун, балки чорва моллари ва замин учун ҳам фойдали экин. Унинг поя ва баргларида чорвадорлар тўйимли хашак ҳамда силос бостиришади, уч ва беш

далали алмашлаб экиш усулларида тупроғи кучли ҳамда ўртача шўрланган майдонларга экилганида, даланинг мелиоратив ҳолатини яхшилайдди. Уни асосий экин сифатида ҳам, такрорий экин сифатида ҳам етиштириш ва мўл ҳосил олиш мумкин. Кўчатлар оралигига ловия экилса ҳам бўлади. Бунда озиқлантириш мейёрига ўзгартиш киритилади.

